

O'ZBEKISTON



O'VOZI

IJTIMOY-
SIYOSIY
GAZETA

• 2006-yil • 25-noyabr • Shanba • 140 (27.631) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг V пленуми бўлиб ўтди

ИЖРОҚҰМ ЙИГИЛИШИ

Кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроқўмининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши V пленумини ўтказиш билан боғлиқ масала кўриб чиқилди. Йиғилишда шунингдек, Ўзбекистон ХДП аъзоларига янги намунадаги аъзолик гувоҳномаларини топширишнинг бориши, партия раҳбар кадрлари захирасини яхшилаш, ЎзХДП сиёсий ўқув машғулотларининг жойларда ўтказилиши ва бошқа ички партиявий масалалар кўриб чиқилди.

Шу билан бирга Марказий Кенгаш Ижроқўми аъзолари минтақавий партия кенгашлари раислари, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари тахририятлари масъул ходимлари ҳамда вилоятлардаги мухбирлари иштирокида ЎзХДП марказий матбуот нашрларига 2007 йил учун обунанинг боришини қизгин муҳокама қилдилар. Обунани ўтказишда сусткашликка йўл қўйган партия ташкилотлари танқид қилиниб, аҳолини ўнглаш юзасидан тавсиялар берилди.

Ижроқўм йиғилишида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ МАЙДОН ЯНГИЧА ИШЛАШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Пленумда «Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан Қонунчилик палатасига «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари киритилиши муносабати билан партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг ташкилий ва сиёсий вазифалари тўғрисида»ги масала кўрилди. Пленум ишда партия марказий органларининг аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ХДП фракцияси аъзолари, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари раислари, Тошкент шаҳар ва вилоятининг туман партия кенгашлари раислари ва ЎзХДПдан сайланган депутатлар, Марказий Тафтиш комиссияси аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Кун тартибидagi асосий масала юзасидан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Фуломов маъруза қилди.

Пленумда таъкидлаб ўтилдики, мамлакат Президентининг ушбу қонунчилик ташаббуси парламент ислохотларини

манткий давом эттириб, давлат бошқарувини янада демократлаштириш таъминлайдиган, ҳокимиятнинг Қонунчилик ва ижро бўғинлари, ҳукумат ва жойлардаги давлат органлари зиммасига юклаган Конституциявий ваколатлар юзасидан уларнинг роли ва масъулияти

оширишига хизмат қиладиган принциплар янги ҳуқуқий майдонни шакллантиради.

Ўзбекистон ХДП Президентимиз томонидан Қонунчилик палатасига киритилган ҳужжатларда белгилаган асосий қоидаларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг муҳокама этилиши ва қабул қилиниши партияларнинг янада фаоллашувига хизмат қиладди, фуқароларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий тизимининг бу муҳим институтлари ишда бевосита иштирок этишга қизиқишини оширади, деб ҳисоблайди.

Пленумда кўриб чиқилган масалалар доирасида тегишли тадбирлар ташкил этганда, аввало, қонунлар лойиҳаларининг мазмун-моҳиятини партиянинг ҳар бир аъзоси, электроратимизнинг ҳар бир вакилига етказишга жиддий эътибор бериш зарурлиги таъкидланди. Уларда Ўзбекистонда вужудга келтирилётган вакиллик парламенти демократиясининг миллий модели ҳақида чуқур тўшунчани, онгли ва фаол фуқаровий муносабатни шакллантириш партия ташки-

лотларининг муҳим вазифаси эканлиги қайд этилди.

Мамлакатимиздаги бошқа сиёсий партиялар қатори, Ўзбекистон ХДП зиммасида ҳам янги ҳуқуқий нормаларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг сифат жиҳатидан янгича иш юритишда қудратли омилга айланиши учун алоҳида масъулият ётади.

Мамлакат Президентини янги ташаббусининг маҳаллий партия ташкилотларида муҳокамасини ташкил этиш билан чекланиб қолмасдан, ушбу муҳокамадан ЎзХДПнинг барча кенгашлари, ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлигини жиддий равишда ошириш йўлида фойдаланиш зарурдир, дейишди пленум иштирокчилари.

Шунингдек, улар мамлакат ҳаётида демократлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва сиёсий партиялар ролини кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий имконият билан боғлиқ вазифалар муҳокамаси-

нинг бошланиши ЎзХДП учун масъулиятли сиёсий имтиҳон эканини қайд этишди. Ушбу босқичда ҳар бир партия аъзоси фаол фуқаролик позициясини намоён этиши, жамиятни янада демократлаштириш жараёнларида онгли ва самарали иштирок этишга интилиши, ХДП Дастурининг устувор ижтимоий мақсадларини амалга оширишга бевосита ҳисса қўлиши муҳим аҳамият касб этади. Пленумда ушбу вазифаларни амалга ошириш юзасидан барча партия ташкилотлари ва аъзолари учун аниқ йўналишлар ишлаб чиқилди.

Муҳокамалар давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоилов, «Ўзбекистон овози» газетаси бўлим мудири Номоз Саъдуллаев, ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Учкун Шойимқулов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ХДП фракцияси раиси ўринбосари Анатолий Козлов, ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси Камолбой Исобеков, ЎзХДП Орган тўман кенгаши раиси Худайберган Ваисқонов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Анвар Шуқуров ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан Қонунчилик палатасига мазкур қонун лойиҳаларининг киритилиши муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ташкилий ва сиёсий тадбирлари дастури ҳамда бошқа тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати
Суратларда: пленум ишидан лавҳалар.
Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар

АНТОНИО ЛОКЕ:

«ЎЗБЕКISTON ЗАМОНАВИЙ ДЕМОКРАТИЯ МОДЕЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ САРИ ИЗЧИЛЛИК БИЛАН БОРМОҚДА»

Ўзбекистоннинг янгилаш ва демократлаштириш йўлида сиёсий партиялар ролини кучайтираётгани Президент Ислам Каримов томонидан тақлиф этилган янги қонунлар лойиҳаларининг мавзусидир. Яқинда парламентга киритилган ҳужжатлар мамлакатда жадаллик билан кечяётган янги демократик жамиятни барпо этиш жараёнининг яна бир исботи ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳаётининг барча жабҳаларида сиёсий партиялар ролини янада фаоллаштиришга асосланган демократик қурилишнинг сезиларли даражада кучайиб бораётганига Европа Иттифоқи ва бутун халқро ҳам-жамият ўз эътиборини қаратмаслиги мумкин эмас. Ўзбекистон замонавий демократия моделини ҳамда Европа мамлакатлари билан тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган мулоқотни ривожлантираётган мамлакатдир.

Сўнгги пайтларда Европа мамлакатлари билан муносабатларни мустаҳкамлашдан тўбора кўпроқ манфаатдорлик сезаётган, Осиё мамлакатлари билан алоқаларни кучайтиришдан воз кечмаган ҳолда Россия билан аънавий тарихий

алоқаларни сақлаб қолишга интилаётган Кавказ давлатлари ҳамда Марказий Осиё минтақасидаги қўшнилари учун Ўзбекистон модель ва буксир мамлакатга айланиб бормоқда.

Ўзбекистон ўзининг узок вақдан бўён содиқ бўлиб келаётган демократик тараққиёт мақсадларига шу тарзда, босқич-ма-босқич, шу маънода, ўзига хос қонунчилик ташаббуси орқали ҳам эришади. Президент томонидан тақлиф этилган ҳужжатлар парламент озчилиги ҳамда муҳолифат роилининг қонунлаштирилишини назарда тутиб, минтақанинг бошқа мамлакатларидаги шу каби жараёнлар учун муҳим туртки бўлиб хизмат қиладди.

Матрифатарвар ва матонатли раҳбар бўлган Президент

Ислам Каримов ҳам ички, ҳам ташқи масалалар даражасида тўбора катта ишонч қозонмоқда, унинг сиймоси ижтимоий эволюция билан иқтисодий тараққиётни, барқарорлик ва ривожланишни ўзда мужассам этади.

Аминманки, Ўзбекистонда рўй бераётган ижобий жараёнлар ва ўзгаришлар халқро ташкилотлар, сиёсий ва молиявий институтлар, айниқса, Европа Иттифоқи бу мамлакат тараққиётини янада катта қизиқиш билан кузатиб боришига хизмат қиладди.

Халқро ҳамжамият, айниқса, Европа Ўзбекистон билан тенг ҳуқуқли мулоқотга асосланган ҳамкорликка интилгани ҳолда Тошкентга нисбатан ташқи сиёсатда яқдил ва фаолроқ бўлмоғи лозим.

Антонио ЛОКЕ, Италиядаги Осиё ва Ўрта ер денгизи мамлакатлари институтининг бош котиб, «Италия — Ўзбекистон дўстлик ва ҳамкорлик уюшмаси котиб

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

24 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлис 2007 йилги Давлат бюджетининг асосий макроекотисодий кўрсаткичлари ва параметрларини муҳокама қилишга бағишланди.

Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ашрафонов маъруза қилиб, мамлакат бош молиявий ҳужжатининг асосий параметрлари мазмунини ва аҳамиятини ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг йўналишларини асослаб берди.

Муҳокамада иштирок этганлар навбатдаги молия йилига мўлжалланган Давлат бюджетини ижтимоий соҳага юқори даражада йўналтирилганлигини, шунингдек иқтисодиётта ва аҳоли даромадларида тушадиган солиқ юқини енгиллаштириш тамойилини кўрсатиб ўтдилар.

Шу билан бирга, Давлат бюджетда умумий таъминни ва ўрта махус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш, қишлоқ ҳўжалиги ерларини қайта тиклаш бўйича ирригация-мелиорация ишларини амалга ошириш, транспорт инфратузилмаси ва коммуникацияларни кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағлар ажратилиши ҳам кўрсатиб ўтилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг таъбирига мувофиқ янги тахрирдаги Солиқ кодексининг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ҳозирги вақтда ушбу

да фойдаланилиши устидан самарали ва таъсирчан назоратни таъминлаш, бюджетдан ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга имкон берадиган молиялаш усулларини қўллаган ҳолда харажатларни оптималлаштириш ишлари давом эттирилади.

Муҳокама якунлари бўйича сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджетини маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Қўмита мажлисида сенаторлар, манфаатдор вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Қўмитанинг ушбу мажлиси олдидан «Бюджет ва солиқ ислохотларини янада чуқурлаштириш — миллий иқтисодиётни эркинлаштиришни устувор йўналиш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Суҳбат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан бирга ташкил этилди.

Давра суҳбати ишида Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ириқ ишлаб чиқариш компанияларининг раҳбарлари иштирокчиларга ўзлари раҳбарлик қиладиган соҳаларда ислохотларнинг бориши, иқтисодиётнинг турли тармоқларида таъсири ҳақида ахборот бердилар.

Шунингдек, ҳозирги вақтда иқтисодий ислохотларнинг амалдаги босқичи талабларини ҳисобга олган ҳолда солиқ соҳасидаги чора-тадбирларни тақомиллаштириш зарурлиги юзага келгани ҳам кўрсатиб ўтилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг таъбирига мувофиқ янги тахрирдаги Солиқ кодексининг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ҳозирги вақтда ушбу

қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектлари учун солиқ соҳасида кулай шартот яратиш, солиққа тортиш тизимини оптималлаштириш юзасидан мамлакат раҳбарияти томонидан сўнгги йилларда қабул қилинган қарорларни ҳисобга олган ҳолда тақомиллаштирилмоқда.

Бу қарорларнинг амалга оширилиши ижобий натижалар бермоқда. Масалан, бир қанча солиқ ставкаларни камайитрилганлиги ҳамда экология солиғи бекор қилинганлиги корхоналарга 2006 йилда катта миқдордаги суммаларни тежаб қолиш ва уларни ўз ходимларининг иш хақини оширишга, шунингдек замонавий технология усқуналарини сотиб олиш учун маблағларни қўлайитришга сарфлаш имконини берди.

2007 йилга мўлжалланган солиқ сиёсатининг асосий йўналишларида солиқ юқини янада камайитриш ҳам назарда тутилган.

Солиқ тизимини ислоқ қилиш соҳасида қўрилётган чора-тадбирларни муҳокама қилиш жараёнида солиқ ставкаларини янада оптималлаштириш, солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш ва бизнес юртиш учун кулай шартотлар яратиш бўйича тақлифлар бундирилди.

Давра суҳбати ишида Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон тадбиркор аёллар ассоциацияси, солиқ маслаҳатчилари ва аудиторларнинг профессионал уюшмаларининг вакиллари, олимлар, тадбиркорлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати



ЖИЛТИРБАСДА ЖОНЛАНАЎТГАН ҲАЁТ

«Амудар сув хавзасидаги Қозоқдорё суви денгизга қуйилмай қўйди. Қўлтиқдан оққан сув қум саҳросига ном-нишонсиз сингиб кетарди... Орол сувсизлигиндан қанча хансирамасин ирмоқлар, жумладан, Қозоқдорё суви унинг хатто хаста «томоғини ҳўллашга»ям етмасди...»

2-3-бетлар

ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ — ҲИМОЯДА

... «Шамс-коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати ундан квартира ҳақини хонадон планида кўрсатилган майдондан ошқича ундирётгани ҳақида мурожаат қилган. Ҳудудий бирлашма аралашуви билан истеъмолчининг тўловлари қайта ҳисоб-китоб қилинди.»

3-бет

«БУ ТУПРОҚ БИЗ УЧУН МУҚАДДАС»

— Тўйларга бордик, бизни халқингиз ўз оғаниларидек кутиб олишди, — дейди яна бир поляк қурувчиси Бартек Обжуд. — Менга палов жуда ёқди. Албатта, пиширишни ўрганиб оламан.

4-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, fax: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

• ЎзХДП кенгашларида

ПАРТИЯНИНГ МАФКУРАВИЙ ФАОЛИЯТИ

ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИДАН ТЕРАН СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ БИЛИМНИ, ДУНЁВИЙ ФИКРЛАШ САЛОҲИЯТИНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши томонидан «ЎзХДПнинг сўл сиёсий позицияси ва унинг бунга мос ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик ва ижтимоий демократия мафкураси» мавзусида семинар машғулот ўтказилди. Унда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши Ижроқўми аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгесидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари, туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги ХДП депутатлик гуруҳи раислари, ХДП «Фол аёллар»

ва «Истикбол» ёшлар қанотлари аъзолари, экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Семинарда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси А.Асанов маъруза қилди. Маърузада таъкидландики, мафкуравий фаолиятни талаб даражасида олиб бориш, партиязиминг дастурий максادلари ни ҳаётга татбиқ этишда фол иштирок этиш унун партия аъзоларининг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини мунтазам ошириб бориш ниҳоятда зарур. Ушбу мақсадда партия Марказий Кенгаши Ижроқўми Ҳайъати «Ўзбекистон Халқ демократик партиясида сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилган. Ушбу қарор асосида жойларда ўқув-семинарлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон ХДП мафкураси ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик ва ижтимоий демократия принципларини илгари сурар экан, унинг моҳиятида аҳолининг ҳам даромадди, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатларини ифодалаш мавжуд. Бу вазибаларни амалга ошириш учун ҳар бир партия аъзосидан ҳам фаоллик, ҳам ташаббускорлик талаб этилади.

аъзоси А.Тажиев, «Ўзбекистон овози» гезетаси муҳбири Р.Ешимбетов, ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раисининг ўринбосари А.Ибодуллоев ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Семинарда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгеси раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгесидаги ХДП депутатлар фракцияси аъзоси Ғ.Ражабов иштирок этди ва сўзга чиқди. Ўқув-машғулот иштирокчилари томонидан соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, ишлаб чиқаришда минитехнологияни ривожлантириш, табиий газ, ичимлик суви, электр қуввати таъминотидаги муаммолар бўйича амалга оширилган ишларни давом эттириш тавсия этилди. ХДП на-шрларидаги партияимиз электротарининг манфаатлари кўзлаган танқидий чиқишлар кўллаб-қувватланди. (Ўз муҳбиримиз)

• Янги уй-жойлар

ЮРТ ОБОДЛИГИ — ЭЛ-УЛУС ШОДЛИГИ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ҚЎРҒОНТЕПА ТУМАНИДАГИ ҚОРАСУВ ШАҲРИНИНГ ЮЗЛАБ ОИЛАЛАРИ ЯНГИ УЙ-ЖОЙЛАРГА КЎЧИБ УТГАНЛИКЛАРИ БУНИНГ ЁРҚИН ТАСДИГИ



Шаҳарнинг қўшни Қирғизистон Республикаси билан чегарага яқин маҳаллалари аҳолисига катта магистрал йўлга яқин жойдан янги уй-жойлар қуришга ер ажратилиши эл-юрт шодлигига айланган. Қўпчиликнинг катта кучга эгалиги ҳамма хашарга келганда қўрилади. Вилоят ҳокимлиги, ҳокимий жамоалар қўридан ёрдам берганлиги боис, иморатлар тикланиши ҳам тезлашди. Айниқса, қатор ташкилот, қорхона ва муассасалар ҳам таъминланган оилаларга турар жой қуришда ҳиммат қўришганини айни мўддао бўлди. Қўпчиликка қури-лиш материаллари имтиёзли ба-ҳоларда етказиб берилди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги тантаналари қўриларда 173 оиланинг юзга яқини шинам турар жойларга кўчиб ўтишди. Янги маҳаллага «Мустанқилнинг 15 йиллиги» номи берилди. — Илгари Бобурхўш маҳалла фуқаролар йиғинининг Гулiston қўрасида уйли-чойли икки ўғлим оиласи билан бир ҳовлида исти-комат қилардик, — деди Абду-манноб ака Маматисаев. — Энди алоҳида-алоҳида уйли бўлдик. Ўғлим Фароҳиддин қўнглидаги иморат тиклади. Яқин қўнларда уй тўғи қилиб бериш тарадду-дамиз...

— Турмуш ўртоғим, икки кели-ним ва олти нафар неварам билан Шаҳрихонсой қўрасидаги 3,5 сотихли ҳовлида яшардик, — сўзга қўшилди биринчи гуруҳ ногирони Комилжон ота Умаров. — Янги иморат ера ҳам, маблаг ҳам му-аммо эди. Бирлашганда барака бор, деганларидек, уй қуришда Ан-дихон биомий заводи ҳокимийлик қилди. Қорхона жамоасига ҳам, раҳбарларига ҳам катта раҳмат... Қорасувлик Эъзозхон опа Қўшматова билан ўғли Санжар-бек Абдуллажоновлар ҳам маҳал-лада қўркам уй-жойли бўлганла-ридан беҳад хурсанд. Яқинда янги маҳаллада Мақсудхон опа Раҳи-



Суратларда: янги уй олдда ободонлаштириш ишлари бормоқда; янги уйга кўчиб ўтган Эъзозхон опа Қўшматова гул кўчатларини парвариш қилаяпти. Азаматжон ТОШМАТОВ олган суратлар.

• Экология экспедицияси

баснинг қирғоқлари қалин қамишзорлар билан ҳимоялан-тирилган. Жилтирбасда лойиҳа бўйича юмшлар 2005 йилнинг май ойи-да бошланди, уни 2007 йилда тугаллаш мўлжалланган. Жилтирбас қўли минтақанинг табиат мувозанатини сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин,

ЖИЛТИРБАСДА ЖОНЛАНАЁТГАН

...КОЗОҚДАРЁНИНГ ДЕНГИЗГА ҚУЙИЛАДИГАН ЖИЛТИРБАС ҚЎЛТИФИ МЎЙНОҚДАН САЛКАМ 90-100 КИЛОМЕТР УЗОҚЛИҚДА ЖОЙЛАШГАН

атроф-муҳит экологиясини ас-рашдир. «Жилтирбас қўлтифи тўғонини реконструкция қилиш» лойиҳаси бўйича 2 миллиард 400 минг сўмлик қурилиш ишларини бажариш қўзда тутилган. Ҳозир-да 1 миллиард сўмликдан ортик юмшлар амалга оширилди. Лойиҳа якунланган, Жилтирбас қўлининг сув ҳажми 290 милли-он куб метрга етади. Қозоқдар-ёнинг суви чўчүк, балиқчиликни ривожлантириш учун қўлай. Орлобўйи минтақаси учун сув ҳаёт-мамонт билан тенг. Амудар-ё дельтасида лойиҳа бўйича яра-тилган ҳамма қўнларда 2 мил-лиард 700 миллион куб метрдан ортик сув тўпланди. Ҳозирда қўнларда 2 миллиард куб метрга яқин сув сақлаб қўлинмоқда. Қозоқдарё бўйи ва Жилтирбас қўли атрофида яшовчи аҳоли иш

• Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ ВА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Кўйи палатанинг Меҳнат ва ижтимоий масала-лар қўмитасида «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»-ги Қонуннинг Сурхондарё вилоятида ижро этилиши, шунингдек, «Наслчилик тўғрисида»-ги Қонуннинг Қашқадарё вилоятида ижроси қандай амал-га ошириляётганлиги Азгар, сув ҳўжалиги ва эколо-гия масалалари қўмитасида муҳокама қилинди.

Сурхондарё вилоятида аҳоли-ни иш билан таъминлашнинг асо-сий йўналишлари дастур доира-сида ташкил этилганлиги ва меҳ-нат ресурслари ўтган йилга нис-батан 1,6 фоизга кўпайганлиги таъкидланди.

Айни кезде Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг «Йи-рик саноат қорхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида коопераци-яни кенгайтиришни рағбатланти-риш чора-тадбирлари тўғриси-да»ги Фармони асосида амалга оши-риш юзасидан махсус дастур тайёрланиб, унга мувофиқ касаначиликни ривожлантириш ҳисо-бига 975 та янги иш ўринлари очил-ди режалаштирилгани ҳолда касаначилик меҳнати асосида 802 та янги иш ўринлари яра-тилганлиги айтилди.

Шу билан бирга «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг ижро этилишида ви-лоятда қатор камчилик ва нуқ-сонларга йўл қўйилган. Масалан, жорий йилнинг 1 январь ҳолати-га жами 19942 та қорхона ва ташкилотлар ягона давлат рўйха-тига олинган бўлиб, улардан 3134 таси фаолият қўрсатмаган. Ўтган йили 358 та юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркор-лик субъектлари фаолияти туга-тилган. Аҳолини иш билан таъ-минлаш Денов, Бойсун, Сарюс-иё, Узун, Шўрчи, Жарқўрган ту-манларида паст даражада қолиб кетган. Айниқса, касб-ҳўнар колле-жлари ва умумтаълим мактаб-ларини битирган ёшлар иш билан таъминланишига етарли эътибор берилмаган. Шу тариқа, ўтган ўқув йилини тугаллаган ёш-ларнинг 30 фоизидан ортиги иш-сизлиги қайда этилди.

Вилоятда иш билан таъмин-лашга кўмаклашувчи давлат жа-мармаси маблагларидан самара-ли ва мақсадли фойдаланили-шида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Буни 2005 йилда кре-дит ресурслари ажратилган 320 та ҳўжалик юритувчи субъектдан атиги 65 тасида вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси мутахас-сислари томонидан мониторинг

ўтказилганлигидан ҳам қўриш мумкин. Ёки чет эл сармоясини иш-тирокидаги 50 та қўшма қорхо-надан 43 таси фаолият қўрсатиб келмоқда. Қолган 7 та қорхона турли сабабларга қўра, 18 ойдан 36 ойгача фаолият тўхтаб қол-ган. Масалан, Термиз туманида-ги «Юсуф Ғулум Ҳайдар» қўшма қорхонаси 36 ой, Олтинсой туманидаги «У3 Молд» қорхонаси 18 ой фаолият қўрсатмаган.

— Йиғилишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оши-риш борасидаги ваколатлари до-ирасида ўз ишларини қайта қўриб чиқишлари, мавжуд ишчи ўринлари қисқаришининг олди олиниши, иш билан таъминлаш-га кўмаклашувчи давлат жама-маси маблагларидан мақсадли фойдаланиш чора-тадбирларини қўришлари зарурлигига эътибор қаратилди.

«Наслчилик тўғрисида»-ги Қо-нун ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг ижросини таъ-минлаш юзасидан Қашқадарё ви-лоятида чорва моллари махсул-дорлигини ошириш, насл гено-фондини сақлаш бўйича вилоят ҳокимлиги ҳузурда наслчилик ишлари Давлат инспекцияси ташкил этилганлиги таъкидлан-ди. Айтиш жоизки, вилоятда маз-кур қўнунни бажаришда ўз ечи-мини топмаган муаммо ва кам-чиликлар ҳам мавжудлиги қўрсатилди. Жумладан, селек-ционер зоотехниклар лавозим-лар тўлиқ сақланишини таъмин-лаш бўйича назоратни кучайти-риш, вилоятдаги наслчилик бўйича фаолият қўрсатаётган мутахассисларнинг малакасини ошириш ва замонавий талаб-лар бўйича қайта тайёрлаш ўқув марказлари ташкил этиш зару-рлиги ўқтирилди.

Иккала қўмита мажлисида сўзга чиққанлар томонидан бил-дирилган тақлифлар ва амалга оширилиши зарур бўлган ишлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Маммурид ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Кувайт алоқа вазири Маъсу-ма Солиҳ ал-Муборак хоним раҳбарлигидаги делегация 24 ноябрь кўни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова билан учрашди. Сўхбат чоғида икки мамлакат хотин-қизлар ташкилотлари ало-қаларига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон-да оила, оналар ва балаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг ҳимоят ҳаётида-да фаолиятини янада оширишга оид масалалар давлатимиз раҳба-ри юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан эканлиги ало-ҳида таъкидланди.

Делегация аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фан-лар академияси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компаниясида ҳам музокаралар ўтказди. Темирйўллар тарихи дав-лат музейидаги Сохибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилу-вчи нодир экспонатларни томоша қилди.

• Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир

ҲОМИЙЛАР КЎМАГИ БИЛАН МУАММОЛАР ҲАЛ БЎЛДИ

Пастдарғом туманидаги Шавкат Эсонов номли маҳал-ла фуқаролар йиғини худу-дида жойлашган 11-умумтаъ-лим мактаби 1936 йилда қурилган эди. Вилоят ҳоким-лиги ҳамда вилоят «Пахтаса-ноат» акциядорлик жамияти мактаб учун янги бино қуриб бериш ташаббуси билан чиқ-ди. Яқинда кўпчиликнинг ор-зуси ушалди. Жамият қоши-даги қурилиш ташкилоти бу-нёдкорлари томонидан ма-ҳалла ёшларига 300 ўринли янги мактаб биноси қуриб берилди.

бил Розиков. — Тўғриси-ни айтсам, мактаб таълимига, фарзандлар келажакига бўлган бугунги эътибор, гам-хўрликни ҳеч қачон қўрма-ганман. Замонавий компью-тер жиҳозлари, аҳолий син-фхоналарни қўриб ҳам ҳай-ратландим, ҳам қувондим. Эндиги масала ўқувчиларга ҳар томонлама чўқур билим ва тарбия бериш.

Шўхрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

Суратда: мактаб директо-ри Зебо Тўраева ўқувчилар билан.



Хусан ТЎҒИЗОВ олган сурат

Яқин ўтказилган Мўйноқ ўрқач-ўрқач тўқинлар келиб урилиб, мовий денгиз пойида ястаниб ётган мўъжазига порт ша-ҳарча эди. Ўтган асрнинг сўнги чораги эса Мўйноқ «Оролқумнинг маркази»да қолиб кетди.

Амударё сув ҳавзасидаги Қо-зоқдарё суви денгизга қўйил-май қўйди. Қўлтиқдан оққан сув қум саҳросига ном-нишонсиз сингиб кетарди... Орол сувсиз-ликдан қанча ҳансирамасин ирмоқлар, жумладан, Қозоқ-дарё суви унинг хатто хаста «томоғини хўллаш»-гям етмас-ди...

...Қўлтиққа қош қораймай етиб келиш. Қўл четидаги қалин қамишзорлар енгил эсаётган дашт шамолда гала-ти шовулларди.

Жилтирбасдаги, экспедици-ямиз учун махсус кептирилган «Отель» — вагон уйчага жой-лашдик.

Денгизнинг ҳалокати минта-қадаги экологик мувозанатга салбий таъсир этганиди, ерлар қўли дигретацияга учраганди. Амударё сув ҳавзасидаги уму-мий майдони 100 минг гектар-дан ортик 50 тадан ортик чў-чүк суви қўнлар қуриб кетди. Худуддаги 15-20 минг гектар қамишзор тўқайлар ўрни та-пақтур дашт, саҳро тусини олди, яшил майдонлар 10-15 марта қисқарди, 1 миллион гектар ўрмонзорларнинг 200 минг гек-тари қолди, холос.

Тарихдан маълумки, қадим-дан ўтган асрнинг ўрталарига-

ректори Женис Эгембергенов: — Лойиҳа бўйича Қозоқдарё-нинг Орол денгизига қўйилиши-қисми — Жилтирбас қўлтиғи-да 30 километрга 600 метрлик тўғон қурилиб, суьий қўл яратила-пти. Ундан асосий мақсад, мин-така био хилма-хиллигини қайта тиклаш, сув атрофида яшовчи аҳолини ижтимоий ҳимоялаш,

1994 йилнинг июнь ойида Па-риж шаҳрида Жаҳон банки БМТнинг Атроф-муҳит Дастури ҳамда ЮНЕСКОнинг Орол бўйи сув ҳавзасида амалга оширилаётган дастурлар донорларининг ҳалқа-ро учрашуви бўлиб ўтганди. Унда амалга оширилаётган лойиҳалар-ни молиялаштириш ҳамда техник ёрдам қўрсатиш масалалари му-ҳокама этилганди. Маълумки, 1997 йилнинг ноябрь ойида Мар-казий Осиё давлатлари ҳўкумат раҳбарларининг йиғилишида минтақадаги экологик муаммо-ларни ҳал этишда вужудга кел-ган танг вазиятдан чиқиш учун сув ресурсларини бошқариш бо-расида янгича фалсафий нуқтаи назардан ёндошиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу-нингдек, Орлоли кутқариш халқа-ро жамағатларининг «Сув ресур-сларини бошқариш ва атроф-му-ҳит муҳофазаси» бўйича асосий йўналишлари белгилан олдинди.

Хозирда «Жилтирбас қўлтиғи тўғонини реконструкция қилиш» лойиҳасининг иккинчи босқичи бажарилган.

Оролни кутқариш халқаро жамағатлари ижроия қўмитаси Нўкус филиалининг техник ди-

дан ўтган асрнинг ўрталарига-

дан ўтган асрнинг ўрталарига-

ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ – ҲИМОЯДА

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ФЕДЕРАЦИЯСИ, УНИНГ ЖОЙЛАРДАГИ ҲУДУДИЙ БИРЛАШМАЛАРИ ВА ЖАМИЯТЛАР ЎЗ ОЛДИГА ҚЎЙГАН ВАЗИФАЛАРНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА БАЖАРИШЯПТИ?

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокчини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори билан истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун жамоатчиликни кенг жалб этиш, ички истеъмол бозорига сифати насть, одамлар ҳаёти ва соғлиғига ҳаф тугдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишга доир ишларни фаоллаштириш мақсадида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари, федерациясини молиявий қўллаб-қувватлаш, фаолияти учун барча шароитларни яратиш чора-тадбирлари белгиланган эди. Федерация ва унинг жойлардаги ҳудудий бирлашмалари ўз олдига қўйган вазифаларни қай даражада бажаришти? Истеъмолчилар жамиятга ишоняптими?

Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси мисолида шу саволларга жавоб изладик. Сўхбатдошимиз — бирлашма раиси Баҳодир АБДУҚАЙУМОВ.

— Истеъмолчиларнинг ҳаммаси ҳам уларнинг манфаатини ҳимоя қиладиган шундай жамият борлигини билишадими?

— Жавобимни аввало рақамлардан бошласам. Ҳозирги кунда жамиятимиз аъзолари 15 минг 850 нафар бўлса, шундан 3192 нафари кейинги уч ой ичида аъзо бўлишган. Албатта, бу рақам ортда аҳоли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик тарбияти, жамиятимиз фаолияти билан таништириш каби меҳнатларимиз ётади. Аммо истеъмолчинини ўзимизга жалб этиш, унинг истеъмол маданияти ва ҳуқуқини оширишнинг энг муҳим йўналиши — бу амалий ишдир, яъни, ўз ҳуқуқий ҳимоясини сўраб мурожаат қилган аъзоларимизга эътиборисиз бўлмай, уларнинг манфаатлари учун қўлимиздан келган барча ёрдамни кўрсатишдир. Шу йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида бизга 223 истеъмолчи (114 таси коммунал хизматларга доир, 44 таси савдо бўйича, 3 таси соғлиқни сақлашга оид) шикоятлар билан мурожаат қилган.

Бугун истеъмолчиларнинг ҳуқуқий онги ошганлиги қувонарли ҳол. Унга ёмон хизмат кўрсатишга ёки носоз молни сотишга, қўл силтаб кетмайд.

— Собира Раҳимов тумани Қорақамши 1/4 даҳасида яшовчи М.Файзулина ўзи аъзо бўлган «Шамс-коммуналчи» уй-жой

мулкдорлари ширкати ундан квартира ҳақини хонадон планидан кўрсатилган майдондан ошқича ундирётгани ҳақида мурожаат қилган. Ҳудудий бирлашма аралашуви билан истеъмолчининг тўловлари қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Мирзо Улўғбек туманида яшовчи И.Акроров Навоий кўчасида жойлашган «Mir Electronics» дўконидан бир миллиондан ошмаблагга сотиб олган кондиционер сифатсиз чиққан. Ходимларимиз аралашувида кейин фирма томонидан кондиционер бепул таъмирлаб берилди.

Фуқароларимиз телевизорни ёки диванни сифатсиз таъмирлашгани, сифатсиз телефон хизмати кўрсатишгани, лифт ишламаётгани тўғрисида шикоят қилишган. Ходимларимиз улар тақдим қилган ҳужжатлар асосида ишчи ўрганиб, жойларда бўлиб мўрабани қай қилиб беришди. Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, истеъмолчида керакли ҳужжатлар, масалан, харидни исботлаб берадиган чек бўлмайди. Бу вазиятда унга ёрдам беришдан оқимиз. Бироқ хариддорнинг сотиб олинган товар учун чек ва кафолат талонини олмаслик ҳолатлари йил сайин камайяпти, бу ҳам истеъмолчи ҳуқуқий саводи ошаётганлигининг бир белгиси.

— Шикоят билан келган истеъмолчига ёрдам бердингиз, у мамнун бўлиб, миннатдорчилик билдирди чиқиб

кетди. Шу билан вазифангиз тугайдими?

— Бизга мурожаат қилган Ш.Эшбобоевнинг аризасини ўрганиш жараёнида қизиқ ҳолга дуч келдик. У Тошкент — Красноярск — Тошкент йўналиши бўйича авиачипта сотиб олган, аммо, рейс бекор қилинганлиги сабабли қайтиш чиптасидан фойдалана олмаган. Красноярскда чипта ҳақини сотиб олган жойдан қайтиб оласиз, дейишган. Тошкентда эса чипта ҳақини бир йил мuddат ичида қайтиб берамиз, деган жавобни ашшган. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида шу мазмундаги ички буйруқ ҳам бор экан. «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» қонунимиз бор. Бу қонун истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қиладиган ҳолларда, унда кўрсатилмаган хизмат учун ҳақини қайтиб бериш тартиби ҳам ўз ичига олинган. Компаниянинг юқорида тилга олинган буйруғи эса мазкур қонун амал қила бошлагандан бир йил кейин чиқарилган ва маълум мuddат амал қилиб турган.

Монополиядан чиқарилган, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Тошкент шаҳар бошқармасига мурожаат қилиб, буйруқни бекор қилдиришга эришдик, шикоятчи чипта ҳақини қисқа вақт ичида қайтариб олди.

Истеъмолчилар манфаатини қўллаб ўтказётган мониторингларимиз ҳам яхши самаралар берапти.

Истеъмолчининг мурожаатидан сўнг Мирзо Улўғбек туманидаги «Diadoma» савдо дўконидан ўтказилган мониторингдан мuddат ўтиб кетган ва ишлаб чиқарувчиси кўрсатилмаган сосиска махсуслотлари, шунингдек, яроқлилик мuddати ўтган ва яроқлилик мuddати кўрсатилмаган 12 турдаги жами 170,7 минг сўмлик озиқ-овқат ва маиший махсуслотлари борлиги аниқланди.

Иод танқислиги тўғрисида аҳоли орасида бўёқ касаллиги учраётгани ҳеч қачон сир эмас. Йодланган ош тузи ишлаб чиқариш бу касаллик профилактикасидаги энг муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Ош тузи сифатини, йодланган даражасини ўрганиш учун бозор

ва дўконларда, новвойхоналарда, умумий овқатланиш корхоналарида мониторинглар ўтказилди. Олинган туз намуналаридан 287 тасида сертификат йўқлиги, 358 тасида йодланган даражаси қоникарсизлиги аниқланди.

Истеъмолчиларнинг норозилигига сабаб бўлаётган яна бир соҳа — йўловчи ташвиш транспортлари фаолияти бўйича ҳам мониторинг ўтказдик. Унинг натижасида юзага чиққан ҳоллар бу норозиликлар бежиз эмас эканлигини кўрсатади. 7-сонли автокорхонага қарашли 74-йўналишда ҳаракатланаётган автобусларнинг оралиқ вақти 58 дақиқани, 174-йўналишдаги автобуслар оралиғи бир соатни, 70-йўналишдаги автобуслар оралиғи икки соатни ташкил этган. Аслида оралиқ беш дақиқадан бўлиши керак экан!

7-автокорхонага қарашли 74-, 174-, 34-, 69-автобус йўналишларида, 2-автокорхонага қарашли 60-, 68-автобус йўналишларида, 4-автокорхонага қарашли 80-автобус йўналишида, 1-автокорхонага қарашли 93Э-, 97Э-, 81Э-автобус йўналишларида кўрсатилган хизмат учун йўловчиларга чипта беришни «унутиш» ҳоллари учраб турар экан. Масалан, 7-автокорхонага қарашли 94-йўналишда ҳаракат қиладиган автобусда аэропорт шох бекатида «Иъза» бекатига бўлган йўналишда 80-100 йўловчининг 16 нафаригина чипта берилган. Чипта берилмади, бу пуллар кириш қилинмади. Автокорхона зарар кўради ва унинг раҳбарияти Молия вазирлигига чипта баҳосини оширишни сўраб мурожаат қиладиган бўлиши мумкин.

Демак, жамоат транспортидан фойдаланганда чиптани талаб қилсак ўзимизга фойда экан.

Мана, арзон ва қўнғидаги тек хизмат кўрсатишларини истасак, оддий бир истеъмолчи сифатида ўз ҳуқуқимизни билишимиз ва унинг бажарилишини талаб қилишимиз лозимлигини кўрсатувчи бир мисол...

Сўхбатдош:
Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири



САМОЛЁТЛАРНИ УРИБ ТУШИРИШ МУМКИН

Ливан жанубидаги халқаро тинчликпарвар кучлар таркибидан мурожаат қилинган француз ҳарбийлари ўз тасаруфидоги ҳаво ҳужумига қарши воситалар орқали Исроил самолётларини уриб туширишга рухсат берилди, агар Ливан осмонидан парвоз этётган Исроил самолёти ҳужум ҳавфини солувчи тактик харақати амалга оширс.

Ливандаги Халқаро тинчликпарвар кучлар контингентининг вакили Милош Штругар француз кучларининг қарорини қўллаб-қувватлади. «Тинчликпарвар кучлар БМТнинг 1701-резолуциясига биноан ўзларини ҳимоя қилишга ҳақидирлар» деди у «Jerusalem Post» газетаси муҳбирига берган интервьюсида.

Исроил ҳарбийлари шунинг уқтиришмоқдаки, улар Ливан осмонидан разведка мақсадларида учини мумкин экан. Уларнинг айтишларича, «Хизбуллох» экстремистик харақати ҳануз Суриядан ноқонуний равишда қуро-яроғ олаётган эмис. Бироқ Ливан жанубидаги тинчликпарвар кучлар вакилларининг таъкидлашларича,

ОЛМЕРТ БИЛАН АББОСНИ УЧРАШТИРМОҚЧИ



Америкалик воситачилар Фаластин ва Исроил ўртасида тинчлик музокараларини бошлаш йўлида сазй-харақатга киришдилар. «NEWSru.Israel» сайтидаги хабарда ёзилишича, Фаластин мухторияти маъмурияти раҳбари Махмуд Аббос билан Исроил бош вазири Эхуд Олмерт ўртасида учрашув ўтказиш ташкиллаштирилмоқда. Бу учрашув АҚШ президенти Жорж Буш, Иордания шохи Абдалла ва Миср президенти Хусни Муборак иштирокида Оммонда ўтказилиши кутилмоқда. Бироқ Куддуснинг расмий доиралари маълумотига кўра, учрашув учун ҳали зарур шароит юзага келгани йўқ. Шундай бўлса-да, Исроил бош вазири маслаҳатчилари Йоран Турбович ва Шалом Туржеман билан Фаластин маъмурияти девони бошлиғи Рафиқ ал-Хусайни ҳамда музокара учун масъул Соиб Эрикат ўзаро учрашиб, масалани муҳокама этдилар. «Yediot Ahronot» газетаси Аббос билан Олмертнинг учрашуви Фаластинда янги ҳукумат шаклланишдан кейингина амалга ошириш мумкинлигини маълум қилди.

Келгуси ҳафтада АҚШ миллий ҳафсизлик масалалари бўйича кенгашининг Яқин Шарқ бўлими раҳбари Элиот Абрахам Исроилга бориб, бош вазир Эхуд Олмерт ва ташки ишлар вазири Ципи Ливни билан учрашувни ташкиллаштириш масаласи бўйича музокара ўтказди. Икки кундан кейин эса Жорж Буш давлат котиби Кондолиза Райс билан Оммонда ташриф буюради. АҚШ президенти Иордания шохи Абдалла саройида Ироқ бош вазири Нури ал-Малики билан учрашади. Кондолиза Райс эса Европа ва араб давлатлари ташки ишлар вазири катнашадиган «Келажак форуми»да иштирок этади. Унда Яқин Шарқнинг келажаги масаласи муҳокама этилади.

«Жаҳон» АА. Варшава

МДҲ ТАРҚАБ КЕТИШИГА ҚАРШИ

Белорусия президенти Александр Лукашенко Украина журналистлари билан Минскда бўлиб ўтган учрашувда Мустанқил Давлатлар Ҳамдўстлигининг тарқаб кетишига ёки МДҲни шунга яқинлаштириб қўядиган кескин ислохотлар ўтказилишига қарши эканлигини алоҳида таъкидлади. Унинг айтишича, бу ташкилот унга аъзо давлатларнинг бошқилари учрашиб, ҳамкорлик бўйича музокаралар олиб борадиган ягона «майдон» бўлиб хизмат қиладди. Уни тарқатиб юбориш ёки ундан чиқиб аъзо давлатларнинг Фарбга бирлашишга интилишини ёки улар манфаатларига Фарб таъсирини кучайтиради.



Исроил самолётларининг Ливан осмонидан ҳар қандай парвози БМТ резолюцияси талабларини бузиш, деб баҳоланади. Ливандаги халқаро ҳарбий контингент таркибидан энг кўпчиликини ташкил этувчи француз ҳарбийлари билан Исроил ҳарбийлари бу борада бир неча бор музокара ўтказишди, лекин бирор-бир тўхтама қилишолмади.

ҚОНУНДАН ВОЗ КЕЧИЛДИ

Ўтган асрнинг 70-йилларида Жанубий Кореяда ҳарбий диктатура тўзуми авжга минган эди. Мамлакат раҳбарияти томонидан кўп нарсалар таққиланганди. Жумладан, ҳатто кўчада ўзини жиддий тутмаслик ҳам жазоланарди. Бунинг учун алоҳида қонун ҳам қабул қилинган эди. Унга кўра, қимчи, юбкаси қалта бўлса, жаримага тортилар, «рок-н-ролл»га рақс тушган одам эса қамоққа олинарди. Аста-секин замон ўзгарди. Мамлакат демократик сайлов тўзумига ўтган, одамларга эркинлик берилди. Қим қандай хоҳласса шундай қийинмоқда. Бироқ қонун ҳануз бекор қилинмаганди. Яқинда эса ундан воз кечилди.

«ВЕТО»НИ БЕКОР ҚИЛМАДИ

Маълумки, Россия билан Европа Иттифоқи ўртасида янги битим имзоланиши учун музокаралар бошланганига Польша «вето» эълон қилган эди. Европа Иттифоқи вакиллари Польша маъмуриятдан «вето»ни бекор қилишни қанчалик талаб этишмасин, уринишлар баробир бесапар кетди. Финляндиянинг Европа Иттифоқидоги элчиси Эко Косваненнинг журналистларга берган интервьюсида айтишича, вакиллар Польшани қароридан қайтаришолмаган. Эслатиб ўтамиз: Россия ўтган йил ноябрда мамлакатта Польшадан экспорт қилинган гўшт ва сазавот махсуслотларига ветеринария қоидалари бузилгани учун тақиқлов жорий этган эди. Бунинг натижасида Польша кўнига миллион евро зарар кўрмоқда экан. Шунинг учун Польша Ҳельсинкида бўлиб ўтаётган Россия — ЕИ саммити арафасида «вето» қабул қилганди. ЕИнинг қолган 24 аъзоси эса янги битим имзоланиши тарафдори. Россия билан ЕИ ўртасида аввал имзоланган битим мuddати 2007 йил охирида яқунланади. Кеча Ҳельсинкида саммит бошланди. Унга Польша президенти Лех Качинский бормади, дейилади «Reuters» хабарига.

ЎЗИНИ ГОЛИБ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛДИ



Мексикадаги Демократик инқилоб партиясидан президентликка номзоди кўрсатилган Андрес Мануэл Лопес Обрадор шу йил июлда ўтказилган сайловда мағлубиятга учраган бўлишига қарамай, яқинда ўзини қонуний давлат бошлиғи, деб эълон қилди. Мехико марказидаги Сокало майдонига йиғилган ўзининг ўн минглаб тарафдорлари ўртасида сўзга чиқиб, рақиб, Миллий харақат партиясидан президентликка номзоди кўрсатилган ва кам фарқ билан голиб чиққан Фелипе Калдеронни сайлов натижаларини сохталаштирганликда айблади, унга қарши курашишни давом эттиришни билдирди. Қизғин шундаки, у мамлакатнинг расмий ҳукуматига параллел равишда янги ҳукумат шакллантиришни, бу ҳукумат фуқаролар ҳуқуқини, миллий суверенитетни ва мулкчиликни ҳимоя қилишни уқтирди. Сайлов голиби Фелипе Калдерон эса шу йил 1 декабрда лавозимга расмий ўтиргач, ҳозир амалда фаолият юритаётган давлат бошлиғи Виценте Фокс сийсатини давом эттиришни таъкидлади. АФР ахборот агентлигининг маълум қилишича, Обрадор сайлов натижаларини тан олмай ўз тарафдорларини норозилик кампаниясини янада кенгайтириш учун жалб этмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, бу билан Обрадор 2012 йилда бўладиган навбатдаги сайловда голиб бўлишга замин тайёрламоқда.

ИБН СИНО ПОЛЬША ОЛИМЛАРИНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Европанинг энг кўна олий ўқув юрталаридан бири — Варшава университетидан «Ибн Сино ҳаёти ва фаолияти» мавзусига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда Польшанинг таниқли олимлари, ушбу олий таълим маскани профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этади. Ўзбекистонда халқнинг маданий ва илмий меросини асраб-авайлашга катта эътибор қаратилаётгани польшаликларда чукчур ҳурмат уйғотгани мазкур тадбир иштирокчилари томонидан қайд этилди.

Буюк мутафаккир ҳаёти ва фаолияти баробарида Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган, улғу аломат меросини чукчур ўрганиш ва тарғиб этиш, тиббиёт соҳасидаги илмий тадқиқотларни амалга оширишдек хайрли вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Абу Али Ибн Сино» Халқаро жамғармаси тўғрисидаги ахборот ҳам меҳмонлар эътиборига ҳавола қилинди. Ўзбекистонлик талаба Н.Гладский конференция иштирокчиларига «Абу Али Ибн Сино ҳаёти ва фаолияти» мавзусида маъруза қил

ди. Бунда асосий эътибор Абу Али Ибн Синонинг Хоразмдаги ҳаёти ва фаолиятига қаратилди. Улғу мутафаккир бу ердаги Мазмун Академиясида меҳнат қилган эди. Унинг дунёга машҳур асарлари — «Тиб қонунлари» ва «Аш-Шифо» замонавий тиббиёт ва дориушнослик ривожини учун асос экани таъкидланди. Конференция доирасида Хоразм Мазмун Академиясининг ўтмиши ва бугунги кун, Ўзбекистон тарихи ва маданияти тўғрисида ҳикоя қилувчи видеофильмлар намойиш этилди.

«Жаҳон» АА. Варшава

Биламизки, минтақада денгиз инқирози оқибатида вужудга келган хатарли ҳолатларнинг спектри ниҳоятда кенг. Ўтган асрнинг 60-90-йилларида Ўзбекистоннинг суғориладиган экин майдонлари 4,2 миллион гектарга етган бўлса, унинг 2,3 миллион гектари Амударё сув

илон балиқ, сазан, лаққа, оқ амир каби сифатли, мазали балиқ турлари етиштирилади. Қунига 300-500 килограмм, ов бароридан келса бир тонналаб балиқ овланади. Ёз ойларида балиқ тузланади, йилнинг салқин ойларида эса бозорда сотилади.

Мутахассисларнинг илмий-тадқиқотлари шунини кўрсатаптики, «Амударё сув ҳавзасида сунъий кўллар яратиш» лойиҳаси бўйича Судочье, Машанкўл, Қоражар, Оққум, Рибачье, Жилтирбас кўл тизимларида сувнинг минераллашуви меъёридаги кўрсаткичдан ошмапти. Экологларнинг таъкидлашича, ҳозирда сунъий кўл тизимида 55.445 турдаги қушлар (шундан 49.263 хили ботқоқ қушлари) минтақадаги экологик вазиятни юмшатишга, биологик хилма-хилликнинг тиялишига олиб келяпти.

Инсоннинг табиатга узок йиллар, 60-70 йилда ўтказган зулми минтақада аянчли оқибатларга олиб келди. Табиийки, бу оқибатларни 10-20 йилда тўзатиб, асоратлардан батамом қутулиб бўлмайди. Жилтирбасда янги ҳаёт жонланяпти... Дарҳақиқат, яратилаётган сунъий кўллар минтақада олиб борилаётган эзгу ишларнинг дастлабки куртакларидир.

Сандя САЙХУН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

ЯНГИ ҲАЁТ

(Иккинчи мақола)

Ҳавзасига тўғри келарди. Бугун Жилтирбасда, Мўйноқда ҳаёт қайта жонланяпти. Қуриб битган сув хавзалари ўрнида сунъий кўллар яратилляпти. Бугунги Жилтирбас қурилиш майдонини эслатади. Ҳадемай тўғонни реконструкциялаш ишлари ниҳояланади.

«Қозқодарё балиқ» масъулияти чекланган жамиятининг кўл қўриқчиси Бекмурод Бердиев: — Корхонамизда 100 нафар ишчи-хизматчи ишлайди. Ишчиларимиз Жилтирбас кўлининг турли участкаларида балиқ овлашяпти. Маълумки, уриш даврида — 25 апрелдан 10 июнга қадар балиқ овлаш тақиқланади ва кўллар қўриқланади. Кўлда

Яқин ўтмишда Мўйноқ балигининг довуғи кетганди. «Мўйноқбалиқконсерва» компанияти тўла қувват билан ишляпти. Денгиз қурий бошлагач, комбинат бутунлай тўхтаб қолганди. Кейинги йилларда аста-секинлик билан бўлса-да, аҳвол ўнғлана бошляпти.

Қозқодарё бўйида яшовчи аҳолини ижтимоий муҳофаза-лаш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ениш мақсадида Мўйноқда балиқни қайта ишловчи мини завод қуриб ишга тушириляпти. Аммо Жилтирбасдан Мўйноққа 90 километр, Қозқодарё овули аҳолиси учун бу узоклик қилиши табиий. Аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида «Қозқодарёбалиқ» масъулия-

ти чекланган жамияти овулда мини заводни ишга туширди. Жилтирбас кўлида сониясига 30 кубметр сув ўтказадиган 2 та сув ўтказгич иншоотлари қурилган. Агар кўлда сув кўпайиб белгиланган меъёрдан ошса, ортқича сув денгиз томонга ташланади.

Мутахассисларнинг илмий-тадқиқотлари шунини кўрсатаптики, «Амударё сув ҳавзасида сунъий кўллар яратиш» лойиҳаси бўйича Судочье, Машанкўл, Қоражар, Оққум, Рибачье, Жилтирбас кўл тизимларида сувнинг минераллашуви меъёридаги кўрсаткичдан ошмапти. Экологларнинг таъкидлашича, ҳозирда сунъий кўл тизимида 55.445 турдаги қушлар (шундан 49.263 хили ботқоқ қушлари) минтақадаги экологик вазиятни юмшатишга, биологик хилма-хилликнинг тиялишига олиб келяпти.

Инсоннинг табиатга узок йиллар, 60-70 йилда ўтказган зулми минтақада аянчли оқибатларга олиб келди. Табиийки, бу оқибатларни 10-20 йилда тўзатиб, асоратлардан батамом қутулиб бўлмайди. Жилтирбасда янги ҳаёт жонланяпти... Дарҳақиқат, яратилаётган сунъий кўллар минтақада олиб борилаётган эзгу ишларнинг дастлабки куртакларидир.

Сандя САЙХУН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

ТОРГОВЫЙ ДОМ
ТОШКЎМІР
САВДО

ООО «Торговый Дом «Тошкўмир Савдо» извещает о наличии в продаже продукции Шаргуньского каменноугольного месторождения:

- ★ **Каменный уголь СССШ — слабо спекающийся, семечко со штыбом** (соответствует требованиям нормативной документации ТШ 12-12:1998);
- ★ **Каменный уголь ССКОМ — слабо спекающийся, крупный орех и мелкий** (соответствует требованиям нормативной документации ТШ 12-12:1998);
- ★ **Каменноугольный брикет — брикетированный каменный уголь** (соответствует требованиям нормативной документации ТШ 12-9:1996);
- ★ **Тошие рядовые** (соответствует требованиям нормативной документации ТШ 12-11:1998);

☑ **широкая сфера применения продукции (тепличное хозяйство, бытовое хозяйство, отопительные котельные, промышленное применение для производства технического тепла)**

☑ **доставка по требованию заказчика**

☑ **любая форма оплаты (в т.ч. по месту получения товара)**

За дополнительной информацией и о химико-технологических характеристиках продукции обращайтесь по телефонам: (998-71) 120-05-45; (998-71) 120-05-20; e-mail: shargun@post.kt.ru
Адрес: Шахкент, пл.Х.Аямджана, Бизнес-комплекс, Западная сторона, 3-й подъезд

«БУ ТУПРОҚ БИЗ УЧУН МУҚАДАС»

ДЕЙДИ ШАХРИСАБЗДА БУНЁД ЭТИЛАЁТГАН УЧ ЮЛДУЗЛИ МЕҲМОНХОНА ҚУРУВЧИЛАРИДАН БИРИ, ПОЛЬШАЛИК СТАНИСЛАВ КОВБЕН



Шаҳарларнинг ўз тақдири бор. Қашқадарё соҳилида қарор топган шаҳри Кеш тақдири эса самандар қушга монанд. Айтишларича, бу афсонавий қуш олов бағридан қанот қоқиб чиқар экан. Шаҳри Кеш ҳам замоналар силсиласида неча бор янгидан қад кўтарди. Фақатгина истиқлол шарофати ва Юртбошимизнинг улкан ташаббуслари билан бу абадий шаҳар Қашқа воҳасининг зумрад гавҳарига айланди. Дарҳақиқат, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган бемисл ҳисоси, бешигида не не улуг зотларни улғайтиргани, ўлмас осори-атиқалари, замонавий ривож тўғрисида у бундай юксак макомга муносибдир.

— Шаҳарга келатган сайёҳлар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Илгари қурилган меҳмонхона биноси яхшилаб таъмирланган. Аммо янгисини қуришга эҳтиёж туғилди, — дейди Шаҳрисабз туман бош меймори Махид Назаров. — Юртбошимизнинг доимий эътибори тўғрисида бу орзу ҳам ушала бошланди. Дастлаб лойиҳа устида пухта иш олиб борилди. Ўзига хос лойиҳани Республика меъморлар уюшмаси қошидаги 2-ижодий устaxonа меъморлари Раим Одиллов тайёрлади. Унда миллий безаклар, замонавий қулайликлар тўла ҳисобга олинган. Асосий буюртмачилар «Ўзбектуризм» Миллий компанияси, «Сайёҳтуризм» қурилиш ишлари ва «Афросиёбпалас» меҳмонхоналар қурилиши дирекциялари ҳисобланади. Қури-

лишни эса польшалик усталар олиб бормоқда.

Ушбу меҳмонхона учун Шаҳрисабзнинг марказий қўчасидан жой танланган экан. Уч юлдуз, 50 хонали, 80 ўринли меҳмонхона уч қаватли бўларкан. Бир қаватдаёқ, иш ниҳоятда қизгин эканлиги кўриниб турарди.

«Будмекс» нафақат Польшада, балки дунёдаги танлиқли қурилиш компанияларидан биридир, — дейди уста Жалол Махматов. — Ушбу компаниянинг юртимизда вакиллик идораси бор. Мен аниқ йилдан бунён у ерда ишлаяпман. Қурувчилари бир неча ишни бемалол бажариб кетаверишди. Бизнинг йиғилар ҳам улардан кўп нарсани ўрганиб олишди. Ана қаранг, қурилиш анча мураккаб. Лойиҳага қўра, безак ва бошқа ишлар қўлда бажарилади.

Дарҳақиқат, поляк қурувчиларининг меҳнатига тан бериш лозим. Ҳамма ишда сифат биринчи ўринда. Арқлар, ташки безак-бўртмаларга алоҳида меҳнат, қалб қўрили бағишляпти. Яна ўзига хослиги шундаки, алоҳида электр тармоғи узатмалари келинади, янги иситиш тармоғи барпо этилади. Қурилиш раҳбари Станислав Ковбен дилқас, юзидан қулги аримайди деган йигит экан.

— Мени ўзбекистонлик десангиз ҳам бўлаверди, — дейди у. — Чунки мана ўн йилдирки, шу ерданман. Юртингиз таърифага бой. Қадимий осори-атиқалари-

га бутун дунёда қизиқиш катта. Сизда туризмин ривожлантириш учун кенг имкониятлар бор. Биз қураётган меҳмонхоналар бунинг исботи бўлиб, улар келажакка хизмат қилади. Шунингдек, қурувчиларимиз Ташкентдаги Ташки иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлигининг маъмурий биносини замонавий услубда таъмирлади, Самарқанддаги янги меҳмонхона қурилишида ҳам иштирок этди. Ҳозир қурувчиларимиз ушбу обьексининг дафт этилган. Шунинг учун биз бу юртда ишлаётганлигимиздан фахрланамиз.

Шу топда бир воқеа ёдимга тушди. Бундан йигирма йиллар бурун Китоб туманида истиқомат қилаётган Ўроқ ака деган киши ҳовлисининг ёнидаги чангалзорни тозалар экан, тупроқ уюмларига дуч келди. Суриштириб билса, уруш йиллари шу ердаги мактабда ҳарбий касалхона жойлашган бўлиб, оламдан ўтган поляк ўқувчилари шу жойга дафн қилинган экан. Ўроқ ака у ерларни обод қилди, қабрларга белги қўйди. Кейинчалик дафн этилганларнинг яқинлари Польшадан бир неча бор келишди. Ўроқ акадан рози бўлиб, миннатдорлик билдиришди.

«Будмекс» қурувчилари эса юртимиздаги ана шундай қабристонларни ҳам қайтадан таъмирлаб, юртдошларининг руҳини шод қилишди.

— Одамларнинг оққўнли, ниҳоятда меҳрибон, — дейди тўлқинли Антон Кламер. — Гўё мен Польшада юргандайман...

— Тўйларга бордик, бизни халқингиз ўз оғаниларидек қутиб олишди, — дейди яна бир поляк қурувчиси Бартек Обжуд. — Менга палов жуда ёқди. Албатта, пиширишни ўрганиб олам.

— Мен кўп мамлакатларда ишлаганман, — гап қўшади Станислав. — Ўзбекистоннинг, ўзбекларнинг бир хислати бор экан. Бу ерда ҳеч ким миллат айирмайди. Дунёни тинчлик ва дўстлик ушлаб турибди. Бизнинг ҳам бағримиз ўзбекистонлик дўстларимиз учун ҳамма оқибат, меҳмонхоналар ана шундай дўстлик, тинчлик учун хизмат қилсин. Юртингиз бундан-да тараққий этиб, дунёнинг энг ривожланган, гўзал мамлакатларидан бирига айлансин.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири
Суратда: (чапдан) поляк қурувчилари раҳбари Станислав Ковбен, ўзбекистонлик Жалол Махматов, поляк Яцек Бартен. Худойберди ЖАЛИЛОВ олган сурат

• Билиб қўйган яхши



ХУРМОНИ ҲАММА ЕСА БЎЛАДИМИ?

Юртимизда хурмо меваси айна узилган ва сақлаш учун олиб қўйилган, шу билан бирга савдога чиқарилган палла. Хурмонинг инсон саломатлиги учун хосиятли экани ҳаммага маълум. Лекин россиялик гастроэнтеролог-шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Константин Викторов бу борада ўзига хос фикр юртади.

— Уртача 170 граммлик хурмонини тановул этилгандан кейин, — дейди шифокор, — аввало, ҳузурбахш қайфият юзага келади. Айна пайтда ҳар қуни зарурат ҳисобланган «А» витаминининг 70 фоизини ўзимизга сингдирган бўламиз. Шунингдек, 20 фоиз «С» витамини ҳамда турли маъданлар, каротин ҳамда калий каби фойдали элементларни ўзимизга оламиз. Лекин Шарқ мамлакатларида ўсадиган ва кўплаб ҳосил берадиган хурмо мевасини ҳамма учун фойдали дейиш қийин. Хусусан, бу мевадан тўйиб ёйиш оқибатида баъзи кишиларда меъда-ичак бузилишлари кузатилади. Айниқса, ошқозон ёки ичакларда турли жаррохлик

операциялари ўтказилган одамларда хурмонинг сингishi осон кечмаслиги аён бўлмоқда. Яна киши таъкидлаш жоизки, баъзи кишиларнинг оғат ҳазми қийин сўст бўлади. Шунинг учун ҳам бундай одамлар хурмо ёйишдан биров тийилганлари маъқулдир. Кимдаки, сунрақли қабзият юзага келатган бўлса, унда дард яна ҳам кучайиши мумкин экан. Ҳатто жуда пишиб этилган хурмода ҳам «танин» моддаси сақланиб қолганини унутмаслик керак. Бу модда оғат енгил ҳазм бўлишини бузади ва охир-оқибат қабзиятни келтириб чиқариши эҳтимоли яқин.

Соғлом кишилар эса кўрқмасдан қунига икита ёки уч-тўртта сини кун давомида еса бўлади. Ҳар қалай, ҳар бир одам хурмо ёйишда, унинг қандай ҳазм бўлаётганини кузатиши маъқул. Шунда бу мева унга қанчалик ёқиб-ёқмаслигини сезиши мумкин. Имкон борича, яхши пишган, ширин хурмо-лардан ёйиш фойдали кечади.

Хорижий манбалар асосида тайёрланди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларнинг малакасини олдиндан аниқлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади

2007 йилда янгидан қурилиши режалаштирилган умумтаълим ўрта мактаблари:

1. Қарши шаҳридаги 315 ўринли мактаб қурилиши.
2. Қарши шаҳридаги футбол-интернати қурилиши.
3. Чироқчи туманидаги 165-сонли мактаб қурилиши.
4. Чироқчи туманидаги 67-сонли мактаб қурилиши.

2007 йилда мактаблар учун қурилиши режалаштирилган спорт заллари:

- 1/2. Қарши шаҳридаги 14-сонли мактаб учун 12x24м. ўлчамли спорт зал қурилиши.
- 1/3. Қарши шаҳридаги 54-сонли мактаб учун 9x18м. ўлчамли спорт зали қурилиши.
- 1/3. Қарши шаҳридаги 24-сонли мактаб учун 12x24м. ўлчамли спорт зали қурилиши.
- 1/4. Қарши шаҳридаги 40-сонли мактаб учун 12x24м. спорт зали қурилиши.
- 2/1. Шаҳрисабз туманидаги 69-сонли мактаб учун 9x18м. ўлчамли спорт зал қурилиши.
- 2/2. Яқкабоб туманидаги 5-сонли мактаб учун 12x24м. ўлчамли спорт зали қурилиши.
- 2/3. Дехқонобод туманидаги 4-сонли мактаб учун 9x18м. ўлчамли спорт зали қурилиши.
- 2/4. Қасби туманидаги 14-сонли мактаб учун 12x24м. ўлчамли спорт зали қурилиши.
- Лот №3/1. Муборак туманидаги 22-сонли мактаб учун 9x18м. ўлчамли спорт зали қурилиши.
- 3/2. Муборак туманидаги 3-сонли мактаб учун 12x24м. ўлчамли спорт зали қурилиши.
- 3/3. Миришкор туманидаги 23-сонли мактаб учун 12x24м. ўлчамли спорт зали қурилиши.
- 3/4. Миришкор туманидаги 31-сонли мактаб учун 12x24м. ўлчамли спорт зали қурилиши.

Буюртмачи — Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.

Манзил — Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй. Телефон: (8-375) 227-16-56, 227-19-82. Қурилиш ишларини молиялаштириш — Мактаб қурилишлари учун: бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

Спорт заллари қурилиши учун бюджетдан ташқари болалар спорт жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:

- * етарли касбий ва техникавий малакага;
- * иншоот қийматининг камиди 20 фоиз микродрода айлана маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;
- * молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига;
- * шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;
- * юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси:

Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 52-уйда жойлашган капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: (8-375) 223-10-63.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади: Олдиндан малакасини аниқлаш бўйича бир тўйма (биринчи босқич) тендер ҳужжатларининг нархи — 30000 сўм. Малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдосидан (иккинчи босқич) ўтган оферталарга танлов ҳужжатларининг нархи — 30000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин, «Буюртмачи» — Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси биносига ўтказилади.

Манзил: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.

ЖИЗЗАҲДА ЯНГИ СПОРТ ИНШООТИ

Юртимизда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатнинг барча вилоятларида бўлгани каби Жиззаҳда ҳам болалар спортини ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Зомин туманида республика Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят филиали томонидан янги спорт иншооти барпо этилган ҳам фикримиз далилидир. Туманининг Иттиҳом қишлоғида қад ростлаган спорт мажмуасининг очилиши у ерда таҳсил олаётган ўқувчилар учун катта совға бўлди.

Мақсуд спорт иншоотида 1991-1992 йилда

туғилган ўқувчи-қизлар ўртасида спортнинг баскетбол, стол тенниси ва шахмат турлари бўйича илк бор республика турнири ўтказилди. Унда меҳмонлардан ташқари Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятидан ташриф буюрган жами тўққиз жамоа, аниқроғи, 160 нафардан зиёд ўқувчи қизлар беллашди.

Фолибларга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, вилоят ва Зомин тумани ҳокимликларининг махсус совғалари топширилди.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс»

• Спорт

ҚИЛИЧБОЗЛАР БАҲСЛАРГА ШАЙ

Санокли кунлардан сўнг Доха (Қатар)да XV Осиё ўйинлари бошланади. Спортнинг ўттиздан ортиқ тури бўйича ўтадиган йилнинг энг нуфузли мусобақасига мамлакатимиз спортчилари ҳам қизгин ҳозирлик қилишляпти. Жумладан, қиличбозлик бўйича мамлакат терма жамоаси аъзолари ҳам қитъа олимпиадасида ўзларини кўрсатиш, нуносиб натижалар қайд этишни кўзлашляпти.

— Октябрь ойида Турин (Италия)да уюштирилган жаҳон чемпионатида вакилларимиз, гарчи, голиб ва совриндорлар каторига кира олишмаган бўлса-да, ушбу мусобақа спортчиларимиз учун муҳим тажриба мактаби вазифасини ўтади, — дейди терма жамоа бош мураббийи Убайдулла Зокиров. — Қиличбозларимизнинг Қозғонотин очик чемпионатидаги чиқишларини мутахассислар алоҳида эътироф этишди. Унда терма жамоа етакчиларидан бири Руслан Кудавев рапира баҳслари-

да барча рақибларини енгиб, олтин медалга сазовор бўлди. 14-24 ноябрь кунлари терма жамоа номзодлари билан Новогорск (Россия) шаҳрида ўқув йиғини машғулотларида бўлиб қайтишди. Россиялик тажрибали қиличбозлар билан ҳамкорликда уюштирилган машғулотлар XV Осиё ўйинлари олдиндан ўзига хос тайёргарлик бўлди, десам муболага қилмайман.

— Осиё ўйинларида Ватанимиз шарафини кимлар ҳимоя қилади?

— Баҳсларда асосан эркаклар терма жамоаси иштирок этади. Унда қиличбозликнинг рапира тури бўйича Руслан Кудавев, Рустам Дўстмухамедов, Исқандар Баширов, шлага мусобақасида эса Александр Селёнов ҳамда Павел Арховлар майдонга чиқишади.

— Қитъамизнинг мақсуд нуфузли мусобақасида ҳамюртларимизнинг имкониятини қандай баҳолайсиз? Унда терма жамоамизга кимлар

асосий рақиб бўлиши мумкин?

— Албатта, мамлакатимиз қиличбозлари халқаро миқёсда ўз макеи ва обрўсига эга. Ўз вақтида ҳамюртларимиз Собир Рўзиевнинг Олимпия ўйинлари совриндори бўлганлиги, айна пайтда шогирдларимизнинг қитъа ва жаҳон чемпионатлари, халқаро турнирларда эришяётган кўрсаткичлари вакилларимизни фақат галабалар сари ундаши табиий. Осиё ўйинларида асосий рақибимиз Хитой спортчилари бўлиши кутилмоқда. Хитойликлар ҳозирда дунё қиличбозлик спортларида ҳам пешқадамлардан саналади. Шунингдек, Жанубий Корея, Эрон, Филиппин, Япония терма жамоалари ҳам кучли таркибга эга. Ишонманки, мамлакатимиз қиличбозлари XV Осиё ўйинларида ўз сўзларини айтишади. Юртимизга медаллар шодаси билан қайтишади. Энг муҳими, рақиблар қанчалик жиддий бўлмасин, ҳаммасини кураш майдони хал қилиши.

Эркин ХОЛБОБО

КЛИЧКО РИНГГА ҚАЙТМОҚЧИ ЭМАС

Украиналик боксчи ва сисёсачи Виталий Кличко Киев шаҳрида бўлиб ўтган матбуот йиғилишида профессионал рингга қайтмоқчи эмаслигини ошқора баён этди. Унинг гапларига қараганда, бир йил аввал, Жансим Раҳмонга қарши жанг қилиш учун тайёргарлик вақтида оёғининг тиззасидан олган жароҳати ҳамон ўзига келишига имкон бермаётган экан. Оммавий ахборот воситаларида гўёки Виталий рингга қайтиш учун RTL компанияси билан шартнома тузган эмиш, деган гаплар сафсата эканлигини маълум қилди. «Мен қатта бокс билан хайрлашганимга бир йил бўлди, — дейди Виталий. — Ҳатто, Эвандер Холифид билан ҳам жанг қилмоқчимасман. Мени тўғри тушунишлар. Боксчи ўзи кўзлаган натижага эришолмаса, рингга чиқишдан маъно йўқ. Жароҳатим эса жанг қилишимга имкон бермаяпти».



МИЛЛИАРД ЕВРОГА ШАРТНОМА

Мадриднинг «Реал» футбол клуби Жанубий Европада йирик ҳисобланган Каталониянинг «Медиярго» компанияси билан учрашувларни телевидение орқали олиб кўрсатиш учун 1,1 миллиард еврога шартнома тузди. Шу шартномага мувофиқ, «Реал» иштирокидаги учрашувлар 7 йил мобайнида телевидениеда намойиш этилади. Бу футбол тарихидаги энг қimmatбахш шартномалардан саналмоқда. Узаро битим эса шу йилги мавсумдан қунага қиради. Шундай қилиб, «Реал» клуби телеконтрактдан йилга 157 миллион евро фойда кўради.

БОКСЧИ ФИЛЬМ ҚАҲРАМОНИ

Россия бокс тарихида биринчи марта мутлақ жаҳон чемпиони номига сазовор бўлган Константин Цзю ўз фаолиятини кино санъати билан боғламоқда. У ёшлар ҳаётига бағишланган «Мавр» деб номланган тўлиқ метражли фильмни суратга олишга тайёргарлик кўрмоқда. Ёзувчи Шекспирнинг «Отелло» трагедиясини замонавий назмунга мослаштирган бу фильмда Цзю бош қаҳрамоннинг рақиб ролини ижро этмоқчи. «Кинонинг мазмуни, асосан Шекспир фоҳиасига асосланган бўлиб, — дейди боксчининг ишончли вакили Татьяна Трубнокова. — 9 нафар жангари йигит ҳаммасини гўё ҳеч ким даф этолмайди. Лекин Маврининг катта қалби қаршида ҳар қандай қучлар ҳам тўхтагани кино гоёсига сингдирилган. Жангарилар соф муҳаббат ва вафо катта куч эканини тушуниб етдилар».

Муҳими, Константин ана шу фильм орқали беш ярим миллион доллар фойда кўришни ният қилаётган экан.



БЕКХЭМНИНГ МАШИНАСИ ЎФИРЛАНДИ

Испаниянинг «Реал» клуби аъзоси, моҳир футболчи Дэвид Бекхэмнинг ажабтовур машинаси ўғирланган. Маҳаллий телевидениенинг «Канал-5» дастури бўйича тарқатилган хабарига қараганда, ҳар қандай шароитда ҳам ҳаракат қила оладиган «BMW-X5» русумли бу машина 100 минг евро турар экан. Македонияда қидирув ишлари олиб борган полициячилар жинорий гуруҳни қўлга олиш чоғида ана шундай машинага дуч келишган. Маълум бўлишича, фўтболчининг машинасини пинҳонан усулда Грециядан Македонияга жўна-тиб юборилган экан.

Эслатамиз, Бекхэм бу машинани ўғирликка қарши юқори технология дастурига мўлжалланган мосламалар билан таъминлаган эди. Футболчи Мадриддаги савдо маркази олдига оқватланаётган пайтда машина ўғирланган. Ўғирлар машина моторини ўрдириш учун компьютер ёрдамида топилган махсус коддан фойдаланишган.



| | |
|---|-----------------------|
| BOSH MUHARRIR: | |
| Safar OSTONOV | |
| TAHRIR HAY'ATI: | |
| Abdulla O'RIPOV | |
| Latif G'ULOMOV | |
| Asliddin RUSTAMOV | |
| Bobir ALIMOV | |
| Turabjon JO'RAYEV | |
| FeruZ NAZIROV | |
| Ulug'bek MUSTAFOYEV | |
| Baxtiyor DO'SJONOV | |
| Farruh HAMROYEV | |
| (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari) | |
| Alimqul SULTONOV | |
| (Bosh muharrir o'rinbosari) | |
| Nomoz SA'DULLAYEV | |
| Akbar JONUZOQOV | |
| Muslihidin MUHIDDINOV | |
| Olim MURODOV | |
| Abdug'ani MAMASODIQOV | |
| (Mas'ul kotib) | |
| MUASSIS: | |
| O'ZBEKISTON XALQI DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI | |
| BO'LIMLARI: | |
| Siyosat, partiya va xalqaro hayot | 133-10-13 |
| Ma'naviyat va ma'rifot | 133-69-45 |
| Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot | 133-20-36 |
| Parlament va huquq | 136-76-21 |
| Ekologiya va salomatlik | 133-44-55 |
| Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik | 133-21-43 |
| Xatlar va ommaviy ishlar | 133-12-56 (Tel. Faks) |
| Mas'ul kotib | 133-72-83 |
| Reklama va e'lonlar | 133-38-55, 133-47-80 |
| VILOYAT MUXBIRLARI: | |
| Andijonda — | 25-32-70 |
| Buxoroda — | 222-10-92 |
| Gulistonda — | 25-22-32 |
| Jizzaxda — | 5-49-85 |
| Navoiyda — | 223-83-73 |
| Namanganda — | 6-43-43 |
| Nukusda — | 222-70-15 |
| Samarqandda — | 35-20-54 |
| Urganchda — | 226-51-35 |
| Farg'onada — | 26-43-62 |
| Termizda — | 3-79-98 |
| MANZILIMIZ: | |
| 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. | |
| e-mail: info@uzbekistonovozi.uz | |
| Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV | |
| Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. | |
| Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV | |
| «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etiladi. | |
| Korxonamanzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy. | |
| Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yatga olingan. | |
| Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. | |
| Gazeta eshanba, payshanba va shanba kunlari qchadi. | |
| «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat ta'hiriyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. | |
| T — 1350 | |
| 7112 nusxada bosildi | |
| t — Tuzilgan materialu | |
| O'Za yakuni — 21.00 | |
| Topshirish vaqti — 23.30 | |
| 2 3 4 5 6 | |
| Sotuvda erkin narxda | |